

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРАКБАЕВ АЗАМАТ АМАНБАЕВИЧ

**ҚИЗИЛМИЯ ЧИҚИНДИЛАРИ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ФОСФОРИТЛАРИ АСОСИДА ОРГАНИК ВА ОРГАНИК МИНЕРАЛ
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Оракбаев Азамат Аманбаевич

Қизилмия чиқиндилари ва Қорақалпоғистон фосфоритлари асосида
органик ва органик минерал ўғитлар олиш технологияси..... 3

Оракбаев Азамат Аманбаевич

Технология получения органических и органоминеральных
удобрений на основе отходов солодки и фосфоритов
Каракалпакстана..... 21

Orakbayev Azamat Amanbayevich

Technology for producing organic and organomineral fertilizers based on
licorice waste and phosphorites of Karakalpakstan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.T.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРАҚБАЕВ АЗАМАТ АМАНБАЕВИЧ

**ҚИЗИЛМИЯ ЧИҚИНДИЛАРИ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ФОСФОРИТЛАРИ АСОСИДА ОРГАНИК ВА ОРГАНИК МИНЕРАЛ
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Т3236 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шафаат Саттарович

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий опонентлар:

Нурмуродов Тулқин Исамуродович

техника фанлари доктори (DSc), профессор

Маденов Бердимурат Даулетмуратович

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.30.12.2019.Т.20.03 рақамли Илмий кенгашнинг « 20 » июль 2024 йил соат 10⁰⁰ - даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1уй. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 181 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1уй. Тел.: (+99861)223-60-47, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2024 йил « 8 » июль куни тарқатилди.
(2024 йил « 8 » июльдаги № 3 - рақамли реестр баённомаси).

А.М. Реймов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф., академик

Р.К. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Ш.Н. Туремуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қишлоқ хўжалигини (ҚХ) барқарор ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси ва агрокимёвий синовлар шуни кўрсатдики, органик ва органоминерал ўғитлардан (ОЎ) фойдаланиш тупроқ унумдорлигини сақлаш, минерал ўғитларнинг фойдали таъсирини ошириш, ҚХ экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омили ҳисобланади. Шунинг учун келиб чиқиши ўсимликларга оид органик ресурслар, фосфорит хомашёси (ФХ) ва агрорудалар асосида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча озуқа моддаларни тутган, органик ва ОЎ ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ҚХ маҳсулдорлигини оширишнинг асосий мезони ҳисобланади. Бу борада келиб чиқиши ўсимликларга оид органик ресурслар, ФХ ва агрорудалар асосида органик ва ОЎ олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида таркибида турли хил озукавий ва физиологик фаол моддалар тутган органик ва ОЎ ишлаб чиқариш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, келиб чиқиши ўсимликларга оид органик ресурсларни турли усуллар билан қайта ишлаш йўли билан гумус моддалари (ГМ) ҳосил бўлишини ошириш; водород пероксид ва азот кислотаси ёрдамида органик моддаларни ГМ айлантириш учун мақбул шароитларни аниқлаш; қизилмия шроти (ҚШ), ФХ ва агрорудалар асосида органик ва ОЎ, мелиорантлар, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши стимуляторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш; органик ва ОЎ, мелиорантлар, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш, моддий балансини ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблашга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Республикамызда маҳаллий хом ашёлар асосида янги турдаги турли ўғитлар ва ўсимликларнинг ўсиши стимуляторларини олиш ва уларнинг ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига, тупроқ унумдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида "Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда маҳаллий тармоқларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш - ҳар бир тармоқ, шу жумладан фойдали қазилмалар ва кимё саноати маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш"¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, ҚШ, ФХ ва агрорудалар асосида таркибида ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча озиқ моддаларни тутган органик ва ОЎ, мелиорантлар, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари олишнинг оқилона технологиясини ишлаб чиқиш тупроқ унумдорлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28 январдаги ПФ-60 сон “Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги, 2019-йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сон “2020-2030-йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 сон “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019-йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ГМ ва ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини фаоллаштирувчи хусусиятларга эга бўлган турли хил моддаларни тузилиши, хусусиятларини ва гумус табиатли органик моддалардан шаклланиш механизмини ўрганиш, органик ва ОЎ, мелиорантларни олиш, шунингдек уларнинг агрокимёвий хусусиятларини аниқлаш бўйича ишлар кенг ёритилган, бу борада Гришина Л.А., Фомина Г.Н., Захараченко И.Г., Кухаренко Т.А, Христева Л.А, Орлов Д.С, Кононова М.М, Перминова И.В, Попов А.И, Лиштван И.И, Круглицкий Н.Н, Третинник В.Ю, Назарова Н.И, Алыбакова Н.К, Александрова Л.Н, Любимова С.Л, Григорьева Е.А, Алещукин Л.В, Кулачкова А.Ф, Сапрыкин Ф.Я, Лаврентьева М.М, Логинов Л.Ф, Sauve S, Hendershot W.H, Allen H.E, A. Abramets, Luo X.-S, Zhou D.M, Liu X.H, Wang Y.J, ва бошқалар бир қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Республикамизда ГМ кимёси ва гумус табиатли органик моддалар асосида гуминли махсулотлар ва ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини фаоллаштирувчи хусусиятларга эга бўлган турли хил моддалар олиш технологиялари соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиши кўплаб олимларнинг номлари билан боғлиқ (Таджиев А. Т. Набиев М.Н., Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Забрамний Д.Т., Победоносцева Н.И., Тажиев С.М., Усанбаев Н.Х.) улар кўнғир кўмир, лигнин ва пахта пояларини турли оксидловчилар билан оксидлаш йўли билан гумин кислоталар миқдорини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш, табиий шароитда оксидланган кўнғир кўмир асосида гумусли ўғитлар ва гуматлар олиш, шунингдек, турли экинлар ва тупроқларда агрокимёвий самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган.

Шу билан бирга, технологик, саноат, агрокимёвий ва иқтисодий жиҳатлари ўрганилганда, ҚШ асосида органик ва ОЎ, мелиорантлар, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун стимуляторлар, ҚШ водород пероксид билан оксидлаш ва унга бентонит кўшиш йули билан донадор органик ўғит олиш, ҚШ водород пероксид билан оксидлаш ва уни сульфат

кислота билан фаоллаштирилган фосфоритларига қўшиш орқали донодор ўғит олиш ва ўсимликларни нормал ўсиши ва ривожланиши ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш учун зарур бўлган барча озуқа моддаларни тутган ОЎ ишлаб чиқариш ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг "Маҳаллий хомашёлар асосида азот, фосфор, калий ва олтингугуртни ўз ичига олган минерал ва ОЎ олиш технологияларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш" (2020-2023 йй.) мавзусидаги амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон фосфоритлари, бентонитлари ва қизилмия чиқиндилари асосида органик ва ОЎ, мелиорантлар ва ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ҚШ органик қисмини ГМ ва физиологик фаол моддаларга максимал даражада айлантириш мақсадида ҚШ водород пероксид ва нитрат кислота билан оксидлашнинг оптимал шароитларини аниқлаш;

ҚШ босқичма-босқич оксидлаш жараёнида гумус моддалари ҳосил бўлиши ва органик моддалар газ фазага ажралиши кинетикасини аниқлаш;

ҚШ оксидлаш жараёнида технологик омиллар таъсирида функционал гуруҳларидаги ўзгаришларини аниқлаш;

ҚШ ва оксидланиш маҳсулотларини ИҚ спектроскопик ва хроматографик тадқиқотларини ўтказиш;

ФХ сульфат кислота ва оксидланган ҚШ билан турли меъёр ва нисбатларда фаоллаштириш орқали ОЎ олиш жараёнини ўрганиш;

ФХ ва оксидланган ҚШ асосида органик ўғитлар, мелиорантлар ва ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун стимуляторлар олишнинг мақбул таркиби ва технологияларни ишлаб чиқиш;

ФХ ва оксидланган ҚШ асосида олинган органик ва ОЎ наъмуналарининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва тузли таркибини аниқлаш;

таклиф этилаётган ўғитларни олиш жараёнларини технологик параметрларини "Электрокимёзавод" АЖда синовдан ўтказиш ва янги маҳсулотларни тажриба наъмуналарини олиш, агрокимёвий самарадорлигини баҳолаш;

органик ва ОЎ олишнинг технологик схемаларини ишлаб чиқиш, моддий баланслари ва техник-иктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти ҚШ, ҚН оксидланиш маҳсулотлари, Қорақалпоғистоннинг Хужакул, Порлитау ва Назархон конлари фосфоритлари, экстракцияланувчи фаол моддалар, бентонит, органик ва ОЎ, мелиорантлар ҳамда стимуляторлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистоннинг Ходжакул, Порлитау ва Назархон конлари фосфоритлари ва ҚШ органик ва ОЎ, мелиорантлар,

Ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши учун стимуляторларга қайта ишлаш жараёнлари, оралиқ ва тайёр маҳсулотлар таркибларини ўрнатиш, мақбул ишлаб чиқариш шароитларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий, физик-механик, физик-кимёвий (рентгенографик, хроматографик, ИК спектроскопик, микроскопик) таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ФХ сульфат кислотада парчаланган маҳсулотини оксидланган шрот иштирокида аммонизациялаганда ўсимликлар учун ўзлашувчан фосфорни 1,17 баробар ортиши аниқланган;

водород пероксид концентрацияси ва миқдорини шротни оксидланиш жараёнига таъсири ўрганилиб мақбул шароитда экстракцияланувчи фаол моддалар (ЭФМ) миқдори 10,86 баробар ортиши аниқланган;

ЭФМ фосфоритлар билан ўзаро таъсирлашганда юқори молекуляр органик кислоталарни кальцийли тузлари ҳосил бўлиши асосланган;

Қорақалпоғистон фосфатлари ва оксидланган ҚШ асосида олинган гуминли оддий суперфосфатнинг бошланғич моддалар нисбатига боғлиқ равишда асосий кимёвий, физик-кимёвий ва технологик тавсифларини ўзгариши асосланган;

ҚШ водород пероксиди билан босқичма-босқич оксидлаш йўли билан ЭФМ унумини 68,45% дан 88,75% ошириш ва биринчи босқичда оксидлашдан сўнг ўсимликларни ўстирувчи ва ривожлантирувчи стимуляторлар олиш, иккинчи босқичдан сўнг тупроқ тузилишини яхшиловчи мелироантлар олиш имконияти исботланган;

майдаланган ҚШ водород пероксид билан оксидлаш, сўнгра бентонит иштирокида донадорлаш орқали органик ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

оксидланган ҚШ ва сульфат кислотанинг кам меъёрида парчаланган фосфорит хом ашёси асосида гуминли оддий суперфосфат олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон фосфоритларини сульфат кислотада кам меъёрида парчалаш ва нордон суперфосфат массага аммонизациялаш ва қуритишдан олдин оксидланган шрот қўшиш йўли билан гуминли оддий суперфосфат олиш технологияси ишлаб чиқилган;

оксидланган ҚШ донадорлашда бентонит суспензиясини киритиш йўли билан донадор органик ўғит олиш технологияси ишлаб чиқилган;

ҚШ водород пероксиди билан босқичма-босқич оксидлаш асосида ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари ва тўпроқ тузилишини яхшиловчи мелироантлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари асосида органик ва органик минерал ўғитлар ва дастлабки хомашёлар таркиби, хоссалари кимёвий ва физик кимёвий таҳлил усуллари, лаборатория тажрибалари, агрокимёвий ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, келиб чиқиши ўсимликларга оид органик моддалар, фаоллаштирилган фосфоритлар асосида органик ва ОЎ, ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари ва мелиорантларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш учун тизимли кимёвий, физик-кимёвий ва технологик тадқиқотлар ўтказишда илмий асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти озуқа моддаларининг агрокимёвий самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш имконини берадиган органик ва ОЎ, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари ва мелиорантларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш, таклиф этилаётган технологиялар кизилмия шроти ва ФХ асосида гуминли оддий суперфосфат ишлаб чиқаришда сульфат кислота сарфини сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Оксидланган ҚШ, фосфоритларни сульфат кислотада парчаланган маҳсулоти асосида органик ва ОЎ, ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари ва мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фосфоритларини сульфат кислотада кам меъёра парчалаш ва нордон суперфосфат массага аммонизациялаш ва қуритишдан олдин оксидланган шрот қўшиш йўли билан гуминли оддий суперфосфат олиш технологияси "Электрокимёзавод" АЖ-ҚКнинг "2025-2026 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати"га киритилган ("Электрокимёзавод" АЖ ҚКнинг 2024 йил 22 февралдаги 25 сон маълумотномаси). Натижада, сульфат кислота сарфини сезиларли даражада камайтириш ва агрокимёвий самарали гуминли оддий суперфосфат олиш имкониятини беради;

оксидланган ҚШ донадорлашда бентонит суспензиясини киритиш йўли билан донатор органик ўғит олиш технологияси "Электрокимёзавод" АЖ ҚКнинг "2025-2026 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати"га киритилган ("Электрокимёзавод" АЖ-ҚКнинг 2024 йил 22 февралдаги 25 сон маълумотномаси). Натижада юқори самарали органик ўғитлар олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида эълон қилинган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий мақола чоп этилган. Шундан 4 та илмий мақола, шу жумладан 2 та республика ва 2 та хорижий Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **"Келиб чиқиши ўсимликларга оид органик моддалар асосида органик ва органик минерал ўғитлар, ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари ва мелиорантлар олиш ва уларни ахамияти"** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда ҚХ ишлаб чиқаришида органик, ОЎ, тупроқ мелиорантлари ва ўсимликларни ўстирувчи ва ривожлантирувчи стимуляторларнинг роли ва ахамияти келтирилган. Органик ва ОЎ, тупроқ мелиорантлари ва келиб чиқиши ўсимликларга оид органик моддалар асосида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши стимуляторларини олишнинг мавжуд технологиялари таҳлил қилинган, органик ва ОЎ ишлаб чиқариш бўйича олинган патент ишлари ўрганилган. Адабиётлар таҳлили асосида ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **"Қизилмия шротини нитрат кислота ва водород пероксид эритмалари билан оксидлаш ва оксидланиш маҳсулотлари асосида донадор органик ўғитлар олиш"** иккинчи бобида экстракцияланувчи фаол моддалар миқдорини ошириш ва донадорланган органик, ОЎ, мелиорантлар ва ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари олиш мақсадида ҚШ нитрат кислота ва водород пероксиди билан оксидланиш жараёнларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Тажрибаларда «Lanextrakt» МЧЖ Ўзбекистон-Хитой Қўшма корхонасининг чиқинди маҳсулоти бўлган ҚШ фойдаланилди. Шрот хаво шароитида қуртилиб, сўнгра 0,25 мм дан кам ўлчамга қадар майдаланди. Қуритиш ва майдалашдан сўнг, таҳлил ва тадқиқотлар учун шротнинг ўртача кўрғазмали наъмунаси шакллантирилди. Ундан кимёвий таркибни аниқлаш учун наъмуна олиниб, таҳлилдан сўнг унинг куйидаги таркибга (оғир.%): намлик 5.41; кул 4.66; органик моддалар 89.93; 1% NaOH эритмаси билан эрийдиган экстракцияланувчи фаол моддалар (ЭФМ) миқдори 5.87; сувда эрийдиган ЭФМ миқдори 15.78; эрмайдиган органик моддалар миқдори 68.28 эгаллиги аниқланди. ҚШ кулини спектрометрик таҳлил натижалари унинг таркибида ўсимликлар учун зарур фойдали микроэлементларга: Fe, Mg, Ba, B, Mn, Ti, Cu, Zn ва Mo бой эканлигини кўрсатди.

Оксидлаш жараёнлари нитрат кислотаси концентрацияси 20, 30 ва 40%; вақт давомийлиги 30 дан 120 минутгача; харорат 30 дан 60⁰С гача ва қизилмия шротини органик қисми : HNO₃ 1 : 1,0 дан 1: 2 масса нисбатларида ўтказилди. Тажрибалар термостатик қобикли ва аралаштиргич билан жиҳозланган цилиндрсимон шиша реакторда ўтказилди. Реакторга кислота

қуйилди, белгиланган ҳарорат ўрнатилди, аралаштиргич ишга туширилди ва майдаланган ҚШ намунаси солинди. Жараён якунлангандан сўнг реакция массаси суяқ ва қаттиқ фазаларга ажратилди. Қаттиқ фаза нитрат кислотадан дистилланган сув билан нейтрал ҳолатгача ювилиб, ҳавода қуруқ ҳолатга қадар қуритилди ва таркибидаги кул, намлик, органик моддалар ва 1% натрий гидроксид эритмасида ЭФМ миқдори аниқланди. Шунингдек ҚШ азот кислотаси билан оксидлаш жараёнида ажралиб чиқадиган азот оксидлари миқдори ҳам аниқланди.

Нитрат кислотаси концентрацияси ва меъёрига боғлиқ ҳолда оксидланган ҚШ органик қисми дастлабки ҚШ органик қисмига нисбатан 18,2% гача ошди. HNO_3 20% ли концентрациясида ҚШ органика қисми : HNO_3 нисбати 1: 1,6; ҳарорат 40°C ва жараён 2 соат давомида дастлабки ҚШ органик қисмининг 45,37% оксидланмаган ҳолда қолди. Оксидлашнинг асосий мақсади ҚШ таркибидаги ишқорий муҳитда эрувчан органик кислоталарнинг миқдорини ошириш бўлиб, жараёнда дастлабки ҚШ кўрсаткич 5,87% дан маҳсулотда 49,68% га етди. ҚШ оксидланиши натижасида оксидланган шротнинг фаол функционал гуруҳларнинг миқдори ошди. Дастлабки ҚШ карбоксил гуруҳи миқдори 2,56 мг-экв/г, фенол гидроксил гуруҳи миқдори 3,19 мг-экв/г бўлган бўлса, оксидланган ҚШ бу кўрсаткичлар 3,4 мг-экв/г ва 5,01 мг-экв/г, органик кислоталарда эса мос равишда 5,02 мг-экв/г ва 5,64 мг-экв/г.

Водород пероксид билан оксидлаш жараёни 10 дан 30% гача концентрация ва ҚШ органик қисми : $\text{H}_2\text{O}_2 = 1 : 0,1$ дан 1 : 1 гача оғирлик нисбатида амалга оширилди. Тажрибалар термостатик қобик ва аралаштиргич билан жиҳозланган цилиндрсимон шиша реакторда маълум шароитларда ўтказилди. Натрий гидроксиднинг 1% эритмасида экстракцияланувчи фаол моддалар энг кўп миқдори 37,17% водород пероксид 10% ли эритмаси ва ҚШ органик қисми : $\text{H}_2\text{O}_2 = 1 : 0,1$ оғирлик нисбатида оксидланган шротда ҳосил бўлди. Қизилмия шротини оксидланиши натижасида оксидланган шрот таркибида фаол функционал гуруҳлар миқдори ошди, агар дастлабки шротда карбоксил гуруҳ миқдори 2,56 мг-экв/г, ва фенол гидроксил 3,19 мг-экв/г бўлса, оксидланган шротда бу кўрсаткичлар 4,4 мг-экв/г ва 6.01 мг-экв/г, органик кислоталарда эса мос равишда 6.3 мг-экв/г ва 3.29 мг-экв/г гача ошди. Оксидловчи водород пероксид сарфи нуқтаи назаридан, қизилмия шроти органик қисми : $\text{H}_2\text{O}_2 = 1 : 0,1$ оғирлик нисбати мақбул бўлиб, ушбу нисбатда ва водород пероксид 10% концентрациясида ЭФМ миқдори 5,87% дан 37,17% гача ошди.

ЭФМ миқдорини ошириш мақсадида ҚШ водород пероксид билан оксидлаш жараёнини мақбул шароитлари аниқланди. ЭФМ унумини ортишини, дастлабки органик хом ашёни майдаланиш даражасига, оксидловчиларнинг концентрацияси ва меъёрига, жараённинг ҳароратига ва оксидланиш вақт давомийлигига боғлиқлиги аниқланди. Бошланғич ҚШ ва оксидланиш маҳсулотлари ва оксидланган ҚШ ажратилган гумин кислоталари ИҚ спектроскопик таҳлиллари ўтказилди. Шрот молекуласини оксидланиши натижасида деструкцияга учраши, узилган жойида фаол

функционал гуруҳлар шаклланишига олиб келиши ва водород пероксид билан ишқорий мухитда оксидлаш натижасида дегидрогенланиш ва карбоксилланиш жараёнлари содир бўлиши кўрсатилди.

1-жадвал


Водород пероксида билан оксидланган қизилмия шротига бентонит қўшимчасини қўшиш асосида олинган донадор органик ўғитларнинг кимёвий таркиби ва доналар мустахамлиги

Оксидланган қизилмия шроти органик қисми : бентонит нисбати	Органик моддалар, %	1% ли NaOH эритмасида экстракцияланувчи фаол моддалар, %	Кислотали мухитда чўкмага тушадиган органик кислоталар, %	Намлик, %	Доналар мустахамлиги, МПа
Бештубе бентонити иштирокида					
100 : 0,5	93,15	34,37	10,41	4,33	2,15
100 : 1,0	92,90	34,04	10,24	4,26	2,26
100 : 1,5	92,67	33,77	10,07	4,18	2,39
100 : 2,0	92,42	33,39	9,79	4,06	2,50
100 : 4,0	92,48	33,06	9,46	3,85	2,65
100 : 5,0	92,01	39,01	9,11	3,64	2,85
Крантау бентонити иштирокида					
100 : 0,5	94,85	36,87	10,01	4,82	2,25
100 : 1,0	94,62	36,44	9,64	4,69	2,37
100 : 1,5	94,34	37,07	9,27	4,58	2,53
100 : 2,0	94,14	36,69	8,89	4,50	2,77
100 : 4,0	94,08	36,06	8,46	4,31	2,83
100 : 5,0	93,51	35,71	8,11	4,17	2,91
Назархон бентонити иштирокида					
100 : 0,5	94,55	34,77	9,21	5,42	2,05
100 : 1,0	94,22	34,14	8,64	5,19	2,07
100 : 1,5	93,84	33,47	7,77	5,08	2,13
100 : 2,0	93,54	33,09	6,89	4,80	2,17
100 : 4,0	93,18	32,56	6,06	4,61	2,23
100 : 5,0	92,81	32,01	5,21	4,47	2,31

Олинадиган ўғитнинг агрокимёвий ва товар хоссаларини яхшилаш учун 5% бентонит суспензиясидан фойдаланилиб водород пероксид билан оксидланган ҚШ асосида донадор органик ўғитлар олиш жараёни ўрганилди. Юқорида қайд этилган мақбул шароитда ҚШ оксидлангандан сўнг, оксидланган ҚШ нам қаттиқ фазасига майдаланган бентонитни 5% суспензиясини киритиш орқали донадор органик ўғитлар олиш жараёни ўрганилди. Куруқ масса ҳисобида бентонит гилига нисбатан оксидланган маҳсулотнинг органик қисмини масса нисбати ҚШ органик қисми : бентонит 100 : (0,5-5) оралиғида бўлди. Донадорлаш жараёни намлаш усули билан амалга оширилди. Сўнгра маҳсулот термостатда 80⁰С да қуритилди. Бентонит гили қўшилиши билан олинган органик ўғитларнинг кимёвий таркиби ва хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турганидек, оксидланган шротга бентонит кўшилиши доналар мустаҳкамлигини сезиларли даражада оширади. Таъкидлаш лозимки, оксидланган ҚШ донадорлаш пайтида бентонит суспензиясини кўшиш грануллар ҳосил бўлишини осонлаштиради ва оксидланган ҚШ донадорлаш пайтида бентонит суспензиясини кўшмаслик грануллар ҳосил бўлишини қийинлаштиради. Қўшимчалар миқдори ортиши билан ўғитлар доналари мустаҳкамлиги ортиб борди. Бентонитини ҚШ органик қисмига : бентонит = 100 : 0,5 оғирлик нисбатида кўшганда маҳсулот доналари мустаҳкамлиги 2,15 МПа, 100 : 1 2,26 МПа, 100 : 1,5 2,39 МПа ни ташкил этди.

Ўтказилган тадқиқотлар ва тажрибалар натижалари бентонит кўшилиши органик ўғитлар доналари мустаҳкамлигини сезиларли оширишини кўрсатди. Бажарилган тадқиқотлар ва донадор органик ўғит олиш технологиясини тажриба синовдан ўтказиш натижалари асосида жараённинг асосий технологик параметрлари аниқланди, моддий баланси ва ишлаб чиқаришнинг асосий технологик схемаси тузилди (расм.1). Водород пероксидида оксидланган ҚШ ва бентонит суспензияси кўшимчаси асосида донадор органик ўғитлар олиш технологик жараёни куйидаги асосий босқичлардан иборат: ҚШ ҳаво шароитида қуритиш ва майдалаш; ҚШ водород пероксид эритмаси билан оксидлаш; Бентонит суспензияси ёрдамида оксидланган шротни донадорлаш; Маҳсулотни қуритиш; Маҳсулотни майдалаш, саралаш ва қадоқлаш.



1-расм. Донадор органик ўғит олишни принципиал технологик схемаси

1-майдалагич; 2,3—таъминловчи бункер; 4,5-идиш; 6,7-автоматик концентратор; 8-реактор; 9—насос; 10-тарелкали гранулятор; 11-лентали қуритгич; 12 - классификатор; 13-тегирмон; 14-циклон;15-скруббер;16-вентиллятор.

Оксидланган ҚШ ва бентонит суспензияси асосида олинган ўғитларнинг товар хоссалари: гигроскоплиги, намлик сиғими, ёпишқоқлиги ва мустаҳкамлиги аниқланди. Юқорида қайд этилган мақбул нисбатларда бентонит суспензиясидан фойдаланиб донадорлаш амалга оширилганда

доналар мустаҳкамлиги ва қўшимча озуқа моддаларини киритилиши ҳисобига озуқавий баҳоси ортиши аниқланди.

Диссертациясининг "**Қорақолпоғистон фосфоритлари ва қизилмия шроти асосида гуминли оддий суперфосфат олиш технологияси**" деб номланган учинчи бобида Қорақолпоғистон фосфоритлари: Хужакул, Порлитау ва Назархон фосфоритларини сульфат кислотада парчалаш ва водород пероксидда оксидланган ҚШ қўшиш йўли билан гуминли оддий суперфосфат олиш жараёнларини тадқиқотлари, технологик синовлари натижалари келтирилган. Гуминли оддий суперфосфат олиш учун Қорақолпоғистон фосфоритлари фойдаланилди яъни Хужакул, Порлитау ва Назархон, уларни таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Қорақолпоғистон фосфорит намуналарининг кимёвий таркиби

Фосфат хом ашёсининг турлари	Компонентлар микдори, оғирлик; %							$\frac{P_2O_{5\text{она}}}{P_2O_{5\text{таб}}} \times 100, \%$
	P ₂ O ₅	CaO	SiO ₂	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	CO ₂	н.о.	
Хужакул	19,11	32,83	28,00	3,50	1,54	4,03	2,62	38,90
Порлитау	15,76	27,19	38,77	2,66	1,06	4,10	0,74	43,21
Назархон	11,93	26,12	37,38	5,03	2,47	4,90	2,87	40,23

ФХ фаоллаштириш учун 92% ли сульфат кислота ва органик компонент сифатида водород пероксидда оксидланган ҚШ фойдаланилди. Гуминли оддий суперфосфат олиш жараёни тадқиқотлари биринчи босқичида хомашё таркибидаги ўзлашмайдиган шаклдаги P₂O₅ ўсимлик ўзлаштирадиган шаклга ўтказиш мақсадида сульфат кислотада парчалаш амалга оширилди. Сульфат кислота меъёри монокальцийфосфат ҳосил бўлишига ҳисоблаб 10, 20, 30, 40 ва 50% стехиометрик микдорида олинди. Сульфат кислотани 100% стехиометрик меъёрида Хўжакўл кони 100 г хом ашёсини қайта ишлаш учун 92% ли 37,5 г H₂SO₄ талаб қилинади. ФХ 60 дақиқа давомида сульфат кислота билан ишлов берилди. ФХ сульфат кислота билан парчаланиш жараёни яқунлангандан сўнг, аралашмага оксидланган шрот киритилди. Бунда оғирлик нисбатлари фосфорит : шрот (оксидланган шрот органик қисми) 1 : (0,20-1) ҳисобида бўлди. Ҳосил бўлган аралашма 30 дақиқа давомида аралаштирилди ва 25% сувли аммиак билан рН қиймати 4-4,5 гача нейтраланди. Қуритиш жараёни 80⁰С да олиб борилди, дондорлаш қуритиш ва аммонизациялаш жараёнида айлантириш усулида амалга оширилди. Ўғит намуналарининг кимёвий таркиби ва доналар мустаҳкамлиги аниқланди.

Хўжакўл кони хомашёсидан олинган ўғит намуналари таркиби 3-жадвалда келтирилган. Монокальцийфосфат ҳосил бўлиши учун сульфат кислота стехиометрик меъёри 10%, фосфорит : шрот 1 : 0,2 нисбатида қуйдаги таркибга эга гуминли оддий суперфосфат олинди (оғир.%): P₂O₅мум. -14,88; P₂O₅ўзл.лим. - 7,51; P₂O₅ўзл. трилон Б -5,71; органик моддалар -15,63; экстракцияланадиган фаол моддалар-5,81; азот - 0,72; CaO-30,62; P₂O₅ўзл.лим. / P₂O₅мум. - 50,47. ҚШ ва ФХ ушбу нисбатида, лекин монокальцийфосфат ҳосил бўлиши учун сульфат кислота стехиометрик меъёри 50% бўлганда, олинган ўғит таркиби (оғир. %): P₂O₅мум. -12,53; P₂O₅ўзл.лим. -10,94;

P_2O_5 ўзл.трилонБ -7.05; органик моддалар -13.16; ЭФМ - 4.89; азот - 1.22; CaO - 25.78; P_2O_5 ўзл.лим. / P_2O_5 умум -87,31, яъни фосфорнинг ўзлашувчан шакли тахминан 2 баробар ортади.

3-жадвал

Хужакул кони фосфат хом ашёси ва водород пероксид билан оксидланган қизилмия шротни асосида олинган гуминли оддий суперфосфатлар таркиби

Фосфорит : шрот нисбати	P_2O_5 умум., %	P_2O_5 ўзл. лим %	P_2O_5 ўзл. Тр.Б. %	CaO умум. %	$\frac{P_2O_{5\text{у.св.}}}{P_2O_{5\text{обш.}}}$ %	SO ₃ , умум. %	N, %	Орг. моддалар, %	ГК %
Ca(H₂PO₄)₂ ҳосил бўлишига H₂SO₄ меъёри 10%									
1: 0	17,97	8,75	6,56	36,96	48,69	4,25	0,65	0	0
1: 0,2	14,88	7,51	5,71	30,62	50,47	3,52	0,72	15,63	5,81
1: 0,4	12,98	6,78	5,43	26,71	52,23	3,08	0,84	25,26	9,39
1: 0,6	11,08	6,05	4,88	22,78	54,60	2,63	0,96	34,88	12,96
1: 0,8	9,74	5,53	4,64	20,02	56,78	2,31	1,04	39,47	14,67
1: 1,0	8,39	4,93	4,24	18,06	58,76	2,07	1,14	46,08	17,13
Ca(H₂PO₄)₂ ҳосил бўлишига H₂SO₄ меъёри, 30%									
1: 0	16,14	11,06	6,65	33,21	68,53	11,51	1,52	0	0
1: 0,2	13,61	9,59	6,04	27,98	70,46	9,71	1,68	14,28	5,31
1: 0,4	11,98	8,65	5,47	24,63	72,20	8,54	1,74	23,44	8,71
1: 0,6	10,35	7,71	4,91	21,27	74,43	7,38	1,82	32,61	12,12
1: 0,8	9,34	7,13	4,62	19,19	76,34	6,66	1,96	38,14	14,18
1: 1,0	8,32	6,55	4,32	17,11	78,73	5,93	2,06	43,67	16,23
Ca(H₂PO₄)₂ ҳосил бўлишига H₂SO₄ меъёри, 50%									
1: 0	14,65	12,49	8,08	30,15	85,26	17,51	2,54	0	0
1: 0,2	12,53	10,94	7,05	25,78	87,31	14,97	2,66	13,16	4,89
1: 0,4	11,12	9,95	6,39	22,84	89,48	13,26	2,78	21,81	8,11
1: 0,6	9,67	8,85	5,64	19,89	91,52	11,55	2,83	30,44	11,31
1: 0,8	8,78	8,23	5,24	18,08	93,74	10,46	2,99	35,95	13,36
1: 1,0	7,90	7,56	4,79	16,26	95,70	9,44	3,12	41,48	15,42

Оксидланган шрот миқдори ортиши билан P_2O_5 нинг ўзлашувчан шакли нисбатан ошади. Масалан, фосфорит : шрот нисбати 1 : 0 ва монокалцийфосфат ҳосил бўлиши учун сульфат кислота стехиометрик меъёри 50% бўлганда P_2O_5 нинг ўзлашувчан шаклини нисбий миқдори 85,26% ни ташкил қилади, монокалцийфосфат ҳосил бўлиши учун сульфат кислотани ушбу меъёрида, аммо фосфорит : шрот = 1 : 1 нисбатида P_2O_5 нинг ўзлашувчан шаклини нисбий миқдори 95,70% ни ташкил қилди. Порлитау кони фосфоритлари қайта ишланганда ўхшаш таркибли гуминли оддий суперфосфатлар олинди. Бироқ, Хужакул кони хомашёсига нисбатан таркибида умумий фосфор миқдори кам бўлган ўғитлар олинди. Монокалцийфосфат ҳосил бўлиши учун сульфат кислота стехиометрик меъёри 10%, фосфорит : шрот 1 : 0,4 нисбатида Порлитау фосфат хом ашёси ишлатилганда куйидаги таркибли гуминли суперфосфат олинди (оғир. %):

$P_2O_{5\text{умум}}$ - 10.98; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}}$ - 6,25; $P_2O_{5\text{ўзл.трилонБ}}$ -5.13; органик моддалар - 25.77; экстракцияланадиган фаол моддалар - 9.58; азот - 0.78; СаО-18.94; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}} / P_2O_{5\text{умум}}$ -56,92. Ушбу масса нисбатда, сульфат кислота меъери 50% бўлганда, ўғит таркиби қуйдагича бўлди: $P_2O_{5\text{умум}}$ -9,79; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}}$ -9,02; $P_2O_{5\text{ўзл.трилонБ}}$ -5.94; органик моддалар - 23.17; экстракцияланадиган фаол моддалар - 8.61; азот - 2.71; СаО-16.89; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}} / P_2O_{5\text{умум}}$ -92.13.

Таъкидлаш керак, суперфосфат массасини аммонизация қилиш ва қуритиш жараёнида оддий суперфосфат ишлаб чиқариш жараёнида фосфорнинг ретроградацияси туфайли P_2O_5 нинг ўзлашувчан шакли камаяди.


Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришда оксидланган шротни фосфат хом ашёси билан қўшилиши P_2O_5 нинг ўзлашувчан шаклини нисбий миқдорини сезиларли даражада ортишига олиб келади. Нордон суперфосфат массасига оксидланган шрот қўшилганда, органик кислоталар монокальцийфосфат ва бошқа фосфатлар билан ўзаро таъсири туфайли ретроградация жараёнини содир бўлишини олдини олади, бунинг натижасида фосфорнинг ўзлашувчан шакли камаймайди, аксинча суперфосфат массасини аммонизациялаганда сезиларли ошади.

ҚХ талабларига кўра, мураккаб ўғитдаги фосфор бирикмалари ўзлаша оладиган шаклини нисбий миқдори камида 50% бўлиши керак. Шунинг учун Хужакул, Порлитау ва Назархон ФХ қайта ишлаш учун биз монокальцийфосфат ҳосил бўлишига нисбатан сульфат кислота мақбул стехиометрик меъери 30% деб ҳисоблаймиз ва фосфоритни оксидланган шрот органик қисмга оғирлик нисбати 1 : 0,4. Мақбул шароитларда, Хужакул ФХ фойдаланилганда олинган ўғит (оғир.%): $P_2O_{5\text{умум}}$ -11.98; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}}$ -8,65; $P_2O_{5\text{ўзл.трилонБ}}$ -5.47; органик моддалар - 23.44; экстракцияланадиган фаол моддалар - 8.71; азот - 1.74; СаО-24,63; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}} / P_2O_{5\text{умум}}$ -72,20, доналар мустаҳкамлиги 2,4 МПа. Порлитау ФХ фойдаланганда олинган ўғит (оғир.%): $P_2O_{5\text{умум}}$ -10.38; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}}$ -7,98; $P_2O_{5\text{ўзл.трилонБ}}$ -5.27; органик моддалар - 24.92; ЭФМ - 9.11; азот - 1.71; СаО-17.92; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}} / P_2O_{5\text{умум}}$ - 76,88, доналар мустаҳкамлиги 2,3 МПа. Назархон фосфорит хомашёси фойдаланилганда олинган ўғит (оғир.%): $P_2O_{5\text{умум}}$ - 7.83; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}}$ -5,94; $P_2O_{5\text{ўзл.трилонБ}}$ -3.90; органик моддалар - 24.32; ГК - 9.04; азот - 1.71; СаО-17.08; $P_2O_{5\text{ўзл.лим}} / P_2O_{5\text{умум}}$ -76,88, доналар мустаҳкамлиги 2,3 МПа.

Лаборатория тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлар йириклаштирилган лаборатория жихозида, шунингдек "Электрокимё завод" ҚК-АЖ тажриба саноат синовидан ўтказилди. Ўғитларнинг товар хоссалари: гигроскопик, намлик сиғими, доналар мустаҳкамлиги аниқланди. Олинган ўғитларнинг рентгенографик ва термогравиметрик таҳлиллари ўтказилди. Гигроскопик нуқталар 77,91-79,14% оралиғида бўлди. Гигроскопиклик даражасига кўра, гуминли суперфосфат паст гигроскопик моддалар сирасига киради. Доналарнинг мустаҳкамлиги 2,31-2,72 МПа бўлиб, ушбу ўғитлар ҳатто намлиги юқори бўлса ҳам бир-бирига ёпишмайди, улар тўлиқ сочилувчанлигини сақлайди ва уларнинг хусусиятлари анъанавий фосфорли ўғитлардан кам эмас. Гуминли оддий суперфосфат олиш технологиясини тажриба саноат қурилмасида ўтказилган синовлани асосида жараённинг

